

ЭКОЛОГИК ТУРИЗМ – ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-3-35>

Мўминов Азизбек Зиёвиддинович,
Ўзбекистон Миллий Университети
мустақил тадқиқотчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада экологик туризм, унинг жамият тараққиётидаги ўрни, аҳамияти, бугунги кунда Ўзбекистонда экотуризм имкониятлари, экотуризмни ривожлантириш масалалари, экотуризмдан самарали фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари, минтақада экотуризмни ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: экотуризм, экология, туризм индустрияси, Чорвоқ, Зомин, Чимён, Охангарон, Шохимардон, тараққиёт.

ВАЖНЫЕ ФАКТОРЫ РАЗВИТИЯ ЭКОТУРИЗМ

Муминов Азизбек Зиёвиддинович,
Соискатель Национального университета
имени Мирзо Улугбека

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются текущие реформы в Республики Узбекистан для решения экономических проблем и даются предложения и рекомендации об экотуризме в Узбекистане в данное время. Означено, о месте развития, о различных возможностях и эффективной пользе экотуризма в нашем регионе.

Ключевые слова: экотуризм, экология, индустрия туризма, Чарвак, Замин, Чимган, Ахангаран, Шохимардан развитие.


THE ECOLOGICAL TOURISM IS THE VITAL FACTOR OF DEVELOPING

Muminov Azizbek,
Applicant for the National University of Uzbekistan

ANNOTATION

On the following article there were given about such offers and suggestions as ecological tourism, its curial and place, the facilities of ecotourism in Uzbekistan nowadays, the issues of developing the ecotourism, the ways of enhancing ecotourism in the region, using ecotourism efficiently.

Key words: ecotourism, ecology, industry of tourism, Chorvok, Zomin, Chimgan, Oxangaron, Shokhimardon, developing.




Бугунги кунда ҳаётнинг барқарор давомийлиги ер қуррасида табиий мувозанатнинг ҳолатига бевосита боғлиқдир. Бу мувозанат ердаҳаётнинг пайдо бўлишидан бошлаб вужудга келган. Ҳатто, катта геологик катаклизмлар ҳам табиатнинг мувозанатини ўгартира олмаган. Ибтидоий жамоа даврида одамлартабиатдаги тайёр нарсаларни танаввул қилган, яъни ов қилиш, ўсимликларнинг илдизи ва ҳосилини йиғиш билан чекланган вақтларданок инсоннинг табиатга таъсири бошланган. Тарихий тараққиётнинг бугунги кунгача ўтган даври мобайнида цивилизация натижасида ушбу таъсир кучайиб борди.

XXI асрга келиб инсон билан табиат ўртасидаги муносабатларнинг ўзгариши натижасида атроф-муҳит, экологик вазият кескин ўзгаришларни келтириб чиқарди. “Экология” атамаси грекча сўз бўлиб, “айкос”-“яшаш жойи”, “макони”, “логос”-“таълимот” деган маънони билдиради. “Экология” атамаси немис олими Эрнест Геккель томонидан 1866 йилдан ишлатила бошланган. “Экология” -бу ўз уйида қандай яшаш кераклигини ўргатувчи фандир. Замонавий одам учун эса уй-бу бутун Ер сайёраси ва унинг атрофидаги космик коинотдир[3.16].

Э.Геккелнинг таърифлашича,экология биология фанининг организмлар ва муҳитнинг ўзаро муносабати, ҳаёт учун қулай бўлган барча жараёнларини ўрганувчи бир бўлими. Замонавий экология бундан 140 йил аввал немис олими Эрнест Геккель таърифлаб берган “экология” тушунчасидан фарқ қилади. Ҳозирги кунда, мутахассисларнинг ҳисобларига кўра, 80дан зиёд экологик фанлар мавжуд бўлиб, улардан бири экологик туризмдир. Экологик туризмни ривожлантириш учун Бутунжаҳон ёввойи табиат Фонди, Табиий ресурслар ва табиат муҳофазаси Халқаро иттифоқи каби Халқаро ташкилотлар фаолияти жалб этилмоқда. Бундан ташқари халқаро ва минтақавий даражада конгресслар, симпозиумлар ва семинарлар ўтказилмоқда, экотуристтик фирмалар сони ошиб бормоқда, туризмнинг барча турларига нисбатан экологик туризм афзал кўрилмоқда.2002 йилда Йоханнесбург шаҳрида бўлиб ўтган Бутунжаҳон Саммитида қабул қилинган муҳим халқаро ҳужжатлардан бири Барқарор ривожланиш Бутунжаҳон Саммити (БРБС) қарорларини бажариш режаси”нинг IV бўлими24-26 моддаларида миллий давлат чегарасида ва унинг ташқарисидаатроф- муҳитни туризм орқали муҳофаза қилиш масаласи кўтарилди. Ундан ташқари «Халқаро экотуризм йили», «Халқаро маданий мерос йили»га бағишланган юзлаб учрашув ва анжуманларда (2002 йил), Квебек декларацияси ва Бутунжаҳон туризм ташкилотининг “Глобал туризм этика кодекси”да туризмнинг энг оммалашаётган экотуризмни рағбатлантириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Экологик муаммоларнинг ечимини топишнинг яна бир янги жиҳати экологик туризмни ривожлантириш орқали аҳолининг экологик онги ва маданиятини кўтариш. Гўзал ва бетакрор табиий атроф - муҳит инсонларнинг нафақат томоша аренаси, балки яшаш макони эканлигини англаган киши атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан эҳтиёткорона фойдаланиш, бузилганларини қайта тиклаш бугунги ва келажак авлодлар учун қанчалик зарур эканлигини билади ва онгли равишда унга сарф-ҳаражатлар қилади.

Экологик туризм нимаўзи? У бошқа турдаги туризм ва сервис (хизмат)дан



нимаси билан фарқ қилади, деган ўринли саволлар туғилади. “Туризм” ва “Турист” сўзлари илмий адабиётда XVIII аср охирларида пайдо бўлди. У французча “tour” — саёҳат сўзидан келиб чиққан. Биринчи марта Буюк Британиядаги ёшлар континентга ўқишга кетган вақтидан бошлаб қўлланилган. Аниқроғи бундай саёҳат “grandtour” деб аталган, саёҳатчиларни сайёҳлар, деб аташган[4.105].

Яна “туризм” сўзининг келиб чиқиши тўғрисида спорт туризми ёки алпинизмда бошқа тушунчалар бўлиб, унда спортчилар ёки алпинистлар чўққи устига чиққан вақтларида унга тошлардан конуссимон алоҳида белги - “тур” қўйишади ва бу белги уларни шу нуқтагача етиб келганини кўрсатиб туради.

Кенгроқ тушунча сифатида, “туризм” тушунчаси турган жойидан ташқарига чиқиш, гўзал жойларни, тарихий ўлкаларни, янги шаҳар, архитектура, ландшафт, рельеф, иқлим ранг-баранглигини кўришдир. Бунинг ҳаммаси аҳолининг табиат қўйнига вақтинча миграциясига сабаб бўлади ва бу чиқишлар борган сари кенг кўламда амалга ошмоқда.


Қисқаси, туризм инсонни табиий муҳит билан чамбарчас боғлаб туради, табиатга муҳаббат ҳиссини тарбиялайди, уни муҳофаза этишга рағбат уйғотади, Ватанга муҳаббат ҳиссини тарбиялайди. Табиатни туризм ёрдамида муҳофаза этишнинг асосий омили шулардан иборат [5.3].

Табиатни туризм ёрдамида муҳофаза этиш муаммосини ҳал этиш натижасида қисқача “экотуризм”, кенг маънода экологик туризм сўзи пайдо бўлди. Лекин кўпгина изланувчилар фикрича, “экотуризм” сўзининг чегараси тушуниб бўлмас даражада бўлган. Чунки, маркетинглар бу сўзни дастлабки ишлатган вақтда табиатга интилган ва уни муҳофаза этмоқчи бўлган сайёҳларга таклиф этишганда, унинг маъносини таҳлил этишмаган ва ҳаттоки, бундай туроператорларни табиатни муҳофаза этишни тушунишмай, табиатга саёҳат нуқтаи назаридан қарашган. Шу сабабли туризм назариячилари бунга анча вақтгача кинояли қарашган.

Шу сабабли экотуризмни биринчи бўлиб ўрганган В.В.Хребовченконинг фикрича, “Экотуризм” сўзининг тушунчаси - “экологик туризм” сўзининг қискартирилгани, лекин унинг ишлатилиши экология фани нуқтаи назаридан унчалик тўғри эмас”, - деб ёзганди [6.29].

Экотуризмнинг биринчи ва анча тўғри тушунчасини Г.С.Гужин, М.Ю.Беликов ва Е.В.Клименколар 1997йилда берган: “Экотуризм асосида табиатни муҳофаза этиш ташвишлари ётади” [7.18]. Бундай саёҳатда олдинги кам сонли саёҳатчилар гуруҳини табиатга чиқиб, табиий ресурсларни муҳофаза этиш бўйича турли хил проектларни амалга ошириш учун қилган ишлари тушунилади. Бу тушунча - халқаро экотуризм жамиятининг тушунчасига ҳамтўғри келиб унда ёзилишича, экотуризм - “табиат зоналарига масъул саёҳат бўлиб, унда маҳаллий аҳолининг ижтимоий аҳволи муҳофаза этилади”.

Табиатда олиб борилган тажрибалар шуни кўрсатдики, муҳофаза ишлари ер шарининг турли регионларида, айниқса, тоғли районларда муҳофаза ишларини “ер билан эмас, одамлар билан олиб бориш керак” ёки “маҳаллий аҳолининг яшаш муҳитини бошқариш, уларнинг ўй-фикрларини авлодларнинг келажагини муҳофаза этишга йўллашдир. Бу омилларнинг биронта компоненти бўлмаган тақдирда, экотуризм тўғрисида ўйлашнинг ҳам кераги йўқ” [8.12].




Шундай қилиб, тор маънода экотуризм – *кишиларни тирик организмлар (жумладан, инсонлар) яшайдиган муҳитга саёҳат қилишлари*. Кенг маънода эса экотуризм – *шахсларнинг доимий яшаш жойларидан дам олиш, спорт билан шуғулланиш, соғломлашиш, маърифий-маънавий(умумтарбиявий) ишларни амалга ошириш ёки бошқа мақсадларни кўзлаган ҳолда атроф табиатга ёки муайян табиий объектларга экологик мақсадлардаги саёҳатлари тушинилади*.

Умумэтироф этилишича, экологиянинг мақсади – организмлар яшайдиган муҳитни, уларнинг беҳатар яшаш ва эволюцион тарзда ривожланишини сақлаб қолиш, яъни экологик хавфсизликни таъминлаш. Ушбу мақсад экологиянинг барча тармоқлари орқали турли хил воситалар, усуллар ва йўллар воситасида таъминланади. Шунинг учун кўпгина халқаро, регионал, миллий ва маҳаллий миқёсда ўтказилаётган анжуман, тадбир, режа ва дастурларда экологик квазифалардан бири этиб, экотуризмни ривожлантириш олинади.

Экотуризмнинг мақсади ҳозирги ва келажак авлодларнинг экологик хавфсизлиги ва барқарор ривожланишини таъминлаш учун табиатдан туристик йўналишларда оқилона фойдаланиш, уни қайта тиклаш ва муҳофаза қилишдир.

Ватанимизда экотуризм имкониятлари ниҳоятда катта ҳамда салоҳияти бўйича дунё экотуризм индустриясида юқори ўринларни эгалласа-да, лекин амалда Ўзбекистонда бу салоҳият ва имкониятлардан тўла-тўқис фойдаланиш учун чора ва тадбирлар етарли даражада амалга оширилган эмас. Бунга мисол тариқасида, Жаҳон Туристик Ташкилоти маълумотларига кўра, Ўзбекистонга 2005 йилда 262 минг, 2018 йилда 3 млн. туристлар келиб кетган. Маълумотларга кўра, Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатига олинган туристик корхоналарининг экотуризмга йўналтирилгани жуда кам сондадир. Уларнинг аксарияти тор доирада фаолият олиб боровчи – овчилик, балиқчилик, сафари каби экотуристтик, тўғрироғи табиий туристик фирмалар киради. Катта – катта туристик фирмалар аксарият ҳолларда, аралаш турдаги саёҳликни таклиф қиладилар. Республикамизда соф экологик туризм халигача туризмнинг мустақил соҳаси сифатида қаралмаган ва шунинг учун ўзи мустақил ҳолатда етарли даражада даромад олиб келмаган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан кейинги йилларда туризм ва экотуризмга катта эътибор берилмоқда. Жумладан, “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида бир қатор имконият ва енгилликлар белгилаб берилдики, бу мамлакатимизни Марказий Осиё давлатлари орасида туризм марказига айлантиришга эришиш учун етарлича асос борлигини кўрсатиб бермоқда. Президент Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “... Ўзбекистон ноёб бир мамлакат бўлиб, унинг худудида энг қадимги тамаддун ва маданиятлар юзага келган, ривожланган, ўз жозибadorлиги жиҳатидан дунёдаги дам олиш ва саёҳатлар учун энг яхши масканлардан қолишмайдиган улкан туризм салоҳиятига эга...” мамлакатдир [1]. Республикамиз ҳар бир минтақасининг ўзига хос салоҳияти, санъати ва маданияти: лапар, куй ва кўшиқлари, осори атиқалари, миллий таомлари, қўриқхоналари, табиати, флора ва фаунаси, ихтисослашган



деҳқончилиги ва боғдорчилиги, миллий урф-одатлари мавжуд бўлиб, булардан оқилона фойдаланиб, туризмнинг экологик йўналишини ривожлантириши мумкин. Мамлакатимизда “...ички, кириш ва чиқиш туризмини комплекс ривожлантиришнинг миллий ва ҳудудий дастурлари ишлаб чиқилишини мувофиқлаштириш ва уларнинг амалга оширилиши мониторинги, туризм турларининг кенг доирасини жадал ривожлантириш, халқаро стандартларга мувофиқ бўлган...”[2]. Мамлакатимизда экотуризмни жадал суръатларда ривожлантирилиши катта аҳамиятга эга. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 1 февраль куни «Мамлакатимизда туризм соҳасини янада ривожлантириш ва туризм хизматлари экспортини оширишни таъминлашга қаратилган аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш»га бағишлаб ўтказилган йиғилишида ҳам минтақаларда экотуризмни ривожлантириш масалаларига кенг эътибор қаратилди.

Экотуризм Ватанимизнинг табиий ресурсларидан оқилона фойдаланиш соҳасида, нафақат ҳорижий саёҳларни, балки Она Ватанимизнинг ландшафти, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига бой ва бетакрор табиати билан таништириш, халқлар ўртасидаги дўстлик ришталарини боғлаш, мамлакатлар ва турли халқларнинг бир-бирини кенгроқ билиш, қирилиб кетиш арафасида турган ноёб ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини сақлаш ва кўпайтириш мақсадида кўриқхоналар (Сурхон, Нурота, Ҳисор, Бадай-Тўқай, Зарафшон, Қизилқум, Чотқол, Зомин, Китоб), парваришхоналар (Жайрон “Экомаркази”, Сайхун хўжалиги) таркибида ва атрофида дунё талабларига жавоб бера оладиган миллий табиий боғларни яратиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш орқали муҳофаза қилинадиган ҳудудларда экотуризм объектларининг моддий-техник базасини яратиш учун қўшимча чет эл инвестицияларини келтиришдан иборат. Экологик туризм оқилона равишда ривожлантирилса, у экологик инқироз ва талофатларнинг ечимини топишда жуда муҳим аҳамият касб этиши мумкин. Бунинг учун бугунги кунда мамлакатимизда табиий ресурс етарлича. Улардан ўта самарадорлик билан фойдаланиш экотуризмнинг ҳам бошқа соҳалар каби гуллаб яшнашида муҳим ўрин эгаллайди. Бу масаланинг муваффақиятли ҳал этилиши ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий, тарбиявий муаммоларнинг ва таълимнинг цивилизация даражасида ҳал этилиши билан бир қаторда атроф муҳитни муҳофаза қилишга олиб келади.

Бугунги кунда жамият томонидан табиий атроф - муҳит билан боғлиқ муаммолар ҳамда экотизимларни асраб-авайлаш зарурлиги тушуниб етилмоқда. Шу боис, бундай ютуққа эришиш учун барча саъй-ҳаракатлар икки йўналишда олиб борилмоқда ва бу анъаналарни давом эттириш, такомиллаштириш зарур. Яъни, барча фондлар фаолияти ва дастурлар бир томондан табиатни асрашга, иккинчи томондан эса экотуризмни ривожлантиришга йўналтирилган. Шу ўринда Оролни қутқариш фонди амалга ошираётган тадбирлар ҳам эътиборга сазоворлигини айтиб ўтиш жоиз. Бу фонд нафақат Орол фожеасини тадқиқ қилмоқда, балки бир вақтнинг ўзида уни тиклаш бўйича инвестицияларни жалб этмоқда. Шу мақсадда ўтказилаётган бизнес-турлар, илмий конгресс – турларда



кўплаб чет эллик туристлар иштирок этмоқдалар.

Ерлардан фойдаланишдаги янгича ёндашувларнинг вужудга келиши кўплаб давлатлар зарари катта ишлаб чиқариш тармоқларини экотизимлари заиф ерлардан узоқлаштириш ҳисобига у ерларда экологик туризмни ривожлантиришга ҳаракат қилмоқдалар. Натижада, табиий муҳит ифлосланишининг олди олинмоқда.


Экотуризмда янгидан-янги объектлар бўйлаб саёҳат турларини излаб топиш ва қизиқувчиларни жалб этиш зарур бўлади. Масалан, қовун пишиғи даврида полизлар бўйлаб, пахта йиғим-терим даврида пахта далаларига, гул байрами ёки бошқача саёҳатларни уюштириш лозим. Чунки, Норвегияда қулупнай, Францияда вино тайёрлаш плантация(узумзор)лари бўйлаб туристик саёҳатлар мунтазам равишда уюштирилади.

Туристлик соҳанинг ривожланишини баҳолаш унинг келажак истиқболларини айтиб беришга имкон яратади. Тўғри ва аниқ белгиланган башорат эса Ўзбекистонни нафақат демографик ва ижтимоий жиҳатдан, балки ташқи ва ички сиёсат, интеграция, экологик вазият, фуқароларнинг хавфсизлиги каби бир қатор долзарб масалаларни ҳал қилишга олиб келиши мумкин. Масалан, ҳозирда БМТ 2020 йилга назар солмоқдаки, унда янги 65 мустақил давлатларнинг туристик имкониятларидан кенг ва атрофлича фойдаланиш бирламчи масалалар қаторидан жой олган. Зеро, Ўзбекистон каби ўлкаларда нафақат тарихий, балки унинг бетакрор табиати билан боғлиқ бўлган сайёҳлик имкониятлари жуда катта.

Келажакда давлатлар ва ҳамжамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлашда экологик туризм асосий омилларидан бири бўлиб қолиши лозим. Чунки инсониятнинг табиий атроф - муҳитга бўлган муносабати кишиларнинг эркин фикрлаш, самарали ишлаш ва ижод қилиш қобилиятини белгилаш, меҳнат қобилиятини тиклаш имкониятини беради. Бу жараёнларнинг илмий нуқтаи назардан тадқиқ этилиши мамлакатимиз иқтисодиётининг муҳим тармоғи бўлган экологик туризм тарихининг янги аспектиларини бойитишда муҳим роль ўйнайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони // Халқ сўзи, 2016 йил 7 декабрь, № 242.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-2666-сонли Қарори // Халқ сўзи, 2016 йил 2 декабрь.
3. Ёшларда экологик маданиятни шакллантириш. –Тошкент, 2013. – Б.16.
4. С.Р. Ердавлетов. Казахстан туристический. Алма-Ата: – Кайнар, 1989. – Б.105.
5. И.В.Зорин, Ю.А.Штюмер. Туризм и охрана окружающей среды. –Москва, 1996. – Б.3.
6. В.В.Храбовченко. Экологический туризм. – Москва: Финансы и статистика, 2003. – Б.29.



7. А.Б.Курмангалиева. Труды заповедника Аксу-Джабаглы. – Алма-Ата, 1973.– Б. 18.

8. А.С.Шестаков. Намерение проблемы Российского законодательство об особо охраняемых природных территориях: видение Всемирного фонда дикой природы - Охрана дикой природы. №3 (14), 1994. –Б.12.